Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 23 октябр шанба

Сотувда эркин нархда № 209 (2247)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

● ПАХТА-99

## НАВБАҲОРЛИКЛАР ХИРМОНИ

Навоий вилоятидаги Навбаҳор тумани пахтакорлари ғалаба маррасига етди. Қабул пунктларига 29 минг 400 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга топширилди. Гектар бошига ўртача 28 центнердан ҳосил кўтарилди.

Туман миришкорлари даладаги ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, режага қўшимча яна минг тонна пахта топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

1999 5 декабр — САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН — 2000 9 январ

## ВАТАН ВА МИЛЛАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига сайловлар мамлакатимиз халқи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак сайловларнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, ўзига хос жиҳатлари, биринчидан, сайловлар белгиланган давр, яъни ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг эркинлашиши, сайлов натижаси ўлароқ ижро ҳокимиятига янги кадрлар келиши билан белгиланади. Ва бу ўз навбатида фуқароларга бўлажак сайловда ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги, эркинлигини амалга оширишда катта масъулият ҳам юклайди. Сайловчи овоз бериш орқали ўз хоҳиш-иродасини билдириш билан бирга оиласи, Ватани, халқи, миллати хоҳиш-иродаси, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган янги, соғлом кучларнинг жамият бошқарувига келиши учун ҳам овоз беради.

Мамлакатимизда сайлов тизими, унинг ҳуқуқий асослари дунёвий давлат қуришнинг умумэътироф этилган демократик тамойиллари, халқимизнинг тарихий, миллий давлатчилик негизлари ҳамда анъаналарига таянган ҳолда шаклланганлигини алоҳида таъкидламоқ керак. Сайлов — фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш воситаси сифатида тан олинган инсониятнинг бебаҳо кашфиётидир. Сайлов, айни пайтда, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро зиммасига ўзига хос вазифалар ҳам юклайди. Фуқаролар ўз навбатида сайловларга жиддий тайёргарлик кўришлари, унга масъулият билан ёндашишлари лозим бўлади.

Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришнинг демократик йўли, сиёсий онг даражаси, мустақиллик моҳиятини англаш ҳиссини ошириш, ички маънавий қиёфасини юксалтириш, бир сўз билан айтганда жамият ва давлат манфаатлари даражасида фикрлаш қобилиятини ифода этувчи масъулиятли даврдир. Янги сайлов жараёни муайян босқичга якун ясайди. Шунингдек, эришилган ютуқларга яна бир бор назар солиш, хулосалар чиқариш, қиёсий таҳлил, демократик сайлов тизимини такомиллаштириш, жамият тараққиётини янада мустаҳкамлаш ва тезлаштириш учун аниқ тадбир ҳамда режалар белгилашни тақозо этади.

Сайловлар, табиийки, кўппартиявийлик, яъни муқобиллик асосида амалга оширилади. Унда 12,5 миллион сайловчи иштирок этади. Сайлов жараёнида турли манфаатларнинг юзага чиқиши аниқ. Манфаатлараро муносабатлар характери, мақсад ва вазифалари ҳам яққол намоён бўлади. Манфаатлар хилма-хиллиги, айни пайтда, қарашлар, муайян масалага ёндашиш, муносабатлар ҳамда фикр-мулоҳазаларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, бу жараёнда ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик воситасида миллий тотувлик ҳамда ижтимоий якдилликни шакллантириш пировард мақсадга айланиши муҳим. Сайлов бунёдкорлик, яратувчилик каби мақсад ва вазифаларимиз билан ҳамоҳанг бўлган ижтимоий-сиёсий фикр ҳамда кайфиятнинг устуворлигини таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнаши лозим.

Барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, сайлов жараёнида сиёсий партиялар билан бир қаторда уларга хайрихоҳ бўлган инсонлар, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳ вакиллари кўрсатган номзодларнинг шахсий сифатлари, сиёсий портрети, маънавият ва тафаккур тарзи алоҳида аҳамият касб этади. Сайловчилар номзодларни танлашда кучли фуқаролик жамияти қуриш вазифаси ва талабларини ҳисобга олишлари, ана шундан келиб чиқиб сайловларга масъулият билан муносабатда бўлишлари лозим.

Сайлов янги, соғлом фикр эгалари, Ватан ва миллат тақдирини устувор биладиган, ҳақиқий фидокор инсонларнинг давлат ҳокимият вакиллик органларига келишига имконият беради. Мамлакат фуқаролари сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирар экан, уларнинг ишончи орқали мамлакатимизда депутатларнинг янги корпуси шаклланади. Фуқароларнинг кимга ишонч билдириши, кимни сайлаши шунчаки жараён эмас. Сайлов, аксинча, ҳокимият бошқаруви учун муносиб вакилларни танлаш, таъминлаш ҳамдир. Халқимиз, миллатимиз ва Мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси кўп жиҳатдан ана шу жараёнга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Буни, қолаверса, ҳар бир фуқаро аниқ тасаввур этиши ва онгли равишда муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Сайловчилар номзодларнинг қандай салоҳиятга эга эканлигини, асосан улар билан бўладиган учрашувларда билиб оладилар. Шунинг учун номзодларнинг сайловолди дастурлари амалий ва аниқ бўлиши лозим. Бу эса сайловчиларнинг эътиборини қозонишда муҳим аҳамият касб этади.

Сайловчилар у ёки бу партияга, табиийки, унинг ўтган даврдаги фаолиятига қараб баҳо беради ва муносабат билдиради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар сайловни ҳар бир сиёсий партия учун ўзига хос синов деб ҳисоблайдилар. Сиёсий партиянинг халқ ишончига нақадар кирганлиги, уларнинг хоҳиш-иродаси, ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳимоя қила олганлиги сайлов натижасига қараб белгиланади.

Сайловлар, бир сўз билан айтиш мумкинки, мамлакатимиз халқининг сиёсий маданиятини намоён этади, демократия тамойиллари, барқарорлик, бунёдкорлик ва яратувчилик каби фазилатларни янада мустаҳкамлаш учун муҳим восита ролини ўтайди. Сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаоллигини ошириш, янада ривожлантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини эркинлаштириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш учун янги босқични бошлаб беради.

**Ибодулла ЭРГАШЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори, профессор.**

## ОЛТИН ДАҚИҚАЛАР ҒАНИМАТ

ФОТО репортаж







*Бугун Бўка туманининг қайси хўжалигида бўлманг, теримчилар басма-басию механизаторлар ғайрат-шижоатининг шоҳиди бўласиз. Бўка пахта тайёрлаш пункти ишчи-хизматчилари эса хўжаликлардан келтирилаётган ҳосил карвонларини пешма-пеш қабул қилиб оляптилар. Терилган пахтанинг сифати лаборант Света Салиманованинг назоратида.*

***СУРАТЛАРДА:** Бўка пахта тайёрлаш пункти ишчилари Б. Тулаева, Р. Мекшаев, Х. Пейсеновалар товаршунос А. Камолов билан; лаборант Света Салиманова; яна бир пахта хирмони бўй кўрсатди.*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**



## БАРАКАЛИ УЛУШ

Ховос тумани пахтакорлари 16000 тонна «оқ олтин» етиштириб, дастлабки довондан ошдилар.

Режанинг барвақт бажарилишига «Фарҳод», «Ширин», «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», Бобур номли ширкат уюшмалари ва деҳқон хўжаликлари пахтакорлари баракали улуш қўшдилар.

Ховосликларнинг аҳди ялпи хирмонни 17 минг тоннага етказишдир.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЭЪТИҚОД, ВИЖДОН ЗЎРЛАБ СИНГДИРИЛМАЙДИ

Ўзбекистон очиқ дунёвий мамлакат сифатида шаклланиб, жаҳонга юз тутмоқда. Ватанимиз ўз тарихида ҳеч қачон маълум бир дин, алоҳида бир эътиқод доирасида чекланиб қолган эмас. Азалдан мавжуд эътиқод йўналишлари — зардуштийлик, насронийлик (христиан), яҳудийлик, буддизм, шаманийлик ва бошқа динлар — ҳеч қачон низоларга сабаб ҳам, ниқоб ҳам бўлмаган. Тўғри, ислом дини аввалига «қилич билан» келтирилган. Аммо юз йиллар давомида зўравонлик акс таъсир этаётганлиги, қурол кучи ва тазйиқлар бефойда эканлиги англаб етилгач, «ихтиёрийлик» даври бошланган. Маърифийлик, дин-эътиқодни эркин танлаш, ислом уламоларининг шахсий-маънавий қиёфаси, исломдаги одиллик одамларни ўзига кўпроқ жалб этиб, халқларимиз руҳиятига сингиб борган.

Чор Россияси истилочилари динимиз, виждонимиз эркинлигига монелик қилмоқчи бўлишган эди. Бироқ мустабидлик зуғуми ўтмади, халқимиз ўз динига, эътиқодига содиқ қолди. Шўролар даврининг қатағонлари халқимизни динсиз қилишга йўналтирилган эди. Ҳеч нарсага эриша олмадилар-ку! Буларнинг барчасига жавоб битта: зўравонлик, қўрқитув билан динни, эътиқодни сингдириб ҳам, сингдириб ҳам бўлмайди. Зеро, Муҳаммад Алайҳиссалом: **«Эй, инсонлар, ўта ҳаддан ошишдан, ҳар ишнинг чегарасидан чиқиб кетишдан сақланинг. Аввалгиларнинг ҳалок бўлишларига сабаб динда ҳаддан ошишларидир»**, деб таъкидлаганлар.

Ҳаддан ошиш, зўравонлик ҳар қандай ҳолатда ҳам дилозорликни, азобланишни келтириб чиқаради. Ҳадиси Шарифларда баён қилинган **«Дилозорларнинг барчаси дўзахга маҳкумдирлар»**, **«Мўминларнинг ўзаро уруш қилишлари куфрдир»**, **«Динни ниқоб қилиб, одамларни чалғитувчи ва ноҳақ йўлга бошловчилар дажжолдан ҳам хавфлидир»** каби бебаҳо сўзларнинг моҳияти ва қадрини билмоқ, чуқур англамоқ керак.

(Давоми 2-бетда).

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг "Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси" экспертлар гуруҳи 22 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Меҳмонлар парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова билан учрашиб, Омбудсман идорасининг фаолияти билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Конституциявий суди раиси Б.Эшонов билан ҳам учрашди. Раис мамлакатимиз Асосий қонунининг қоидалари ва ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотнинг конституция тамойилларини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлади. Учрашувда мамлакатимизда парламент ва президент сайловларини ўтказиш ва бунда Конституциявий суднинг ўрни хусусида фикрлашилди.

Шу куни ЕХҲТ вакиллари Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Адолат", "Ватан тараққиёти", "Миллий тикланиш" ҳамда "Фидокорлар" партиялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзаро суҳбатлар давомида партиялар томонидан илгари сурилаётган дастурлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, мамлакат равнақи ҳамда халқ фаровонлиги учун қаратилгани, бўлажак сайловларда ҳар бир партия фаол иштирок этиши ва халқаро кузатувчиларнинг партияларимиз фаолияти билан танишаётгани бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатиши таъкидланди.

**(ЎзА).**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда мамлакат Президентлигига сайловларни ўтказиш юзасидан Марказий сайлов комиссияси амалга ошира диган тадбирлар дастури, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда матбуот марказлари очиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат қилувчи келишув кенгаши тузиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш даврида қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни таъминлаш бўйича асосий вазифалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди ва қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНАДИ



Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида бокс бўйича XX Осиё чемпионатига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси ҳамда Халқаро бокс уюшмасининг раҳбарлари иштирок этди. Чемпионат ташкилий қўмитаси аъзолари мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларининг мусобақани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақидаги саволларига батафсил жавоб қайтардилар. Шунингдек, матбуот анжуманида чемпионат ғолибларига бериладиган қимматбаҳо совғалар ҳам намойиш этилди.

Пировардида шуни айтиш мумкинки, ушбу халқаро мусобақанинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимизда боксга катта аҳамият берилаётганлигидан далолатдир. Ташкилотчиларнинг фикрича, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги халқаро мусобақаларни ўтказишдаги тажрибаси ҳам эътиборга олинган. Бокс бўйича XX Осиё чемпионатининг яна бир аҳамиятли томони, у 2000 йилда Сиднейда ўтадиган Олимпия ўйинларига саралаш турнири ҳам ҳисобланади.

Мусобақалар бугун "Юнусобод" спорт мажмуида бошланади.

**СУРАТЛАРДА: мусобақа ғолибларига бериладиган совринлар.**



**Фарҳод УСМОНОВ,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ,**
**(суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## МАТБУОТ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакат Президенти, парламенти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар, адабиёт ва қўлланмалар билан таъминланган, жойлардаги сайлов участкалари билан тезда боғланиш имконини берадиган телефон ва факс ўрнатилган ушбу марказ сайлов комиссияси вакилларига сайловга тайёргарлик ишларини пухта ташкил этиш, маҳаллий ва хорижий журналистларни тегишли маълумотлар билан таъминлаш ва уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишда кўмаклашади, сайловларнинг демократик тамойиллар, ошкоралик ва тенглик асосида ўтказилишига хизмат қилади.

Барча вилоятлардаги сайлов ўтказувчи округ комиссиялари қошида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсата бошлади.

* * *

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнининг демократик тамойиллар асосида адолатли, ошкора ва холисона ёритилишини таъминлашдан иборат. Республика ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари бу ерда сайлов билан боғлиқ барча маълумотларни, ўзларини қизиқтирган саволларга жавобларни олишлари мумкин.

**(ЎзА).**

ХАЛҚ СЎЗИ

## БИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ОБУНА-2000

Одамларда дид ҳар хил, уларнинг мақсад, манфаат ва қизиқиш майллари турли-туман. Ана шу ҳар хиллик уларнинг ҳаётга муносабатларида ҳам ўзига хосликни юзага келтиради. Бундай муносабат матбуот нашрларига қарашда ҳам ҳар кимнинг «ўз қаричи»га айланади. Масалан, бир одамга ҳаётдаги олди-қочди воқеа-ҳодисаларни, чўпчакларни, кишининг ақли бовар қилмас ривоятларни ўз саҳифаларида берган газета ва журнал «энг қизиқарли» туюлса, бошқа бировга — реклама, эълонлардан кўра муҳим мавзу ва масала дунёда йўқ... Биров ҳуқуқий масалаларга қизиқса, бошқаларни иқтисодиёт, тижорат муаммолари қизиқтиради. Мана шу қизиқиш ва эҳтиёжлар сабаб бўлди шекилли, ҳозир газета ва журналлар анча кўпайди. Майли, чиқаравершсин, фақат уларни ўқийдиган ўқувчи, мухлис топилса, бас. Ҳар хиллик, ранг-баранглик яхши. Жумладан, матбуотда ҳам.

Шахсан ўзим ва институтимиздагилар тўғрисида гапирадиган бўлсам, бизлар «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарини олиб, уларни мунтазам ўқиб борамиз. Бунга сабаб, яна ўша — ҳаётга муносабат. Мана, сайлов кампанияси қизғин бораяпти. Ҳозирги сайлов шу пайтгача бўлган сайловлардан ўз демократик мазмун-моҳияти билан фарқ қилади. Республикада сайловларга ҳозирлик қандай бораяпти? Кимлар депутат бўлиб, Олий Мажлисга келади? Бундай масалалар давлатимиз ривожига, жамиятимиз келажагига беэътибор бўлмаган ҳар бир шахсни наинки қизиқтиради, балки ҳаяжонлантириб турибди. Ахир эртага ана шу халқ сайлаган депутатлар мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ дастурий қонунлар устида ишлайди. Биз сайлаётган депутатлар шу улуғ вазифаларга муносибми? Бундай саволларга эса, менинг назаримда, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталаридан анча кенг ва малакали жавоблар олиш мумкин.



Ёки ён қўшнимиз Қирғизистондаги воқеаларни олайлик. Бунга ҳам бефарқ қараб бўладими? Шу сабабли, халқимиз ўша ҳудудлардаги воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотига анча қизиқиб турибди. Юқорида тилга олган икки нуфузли газетамизнинг биринчи саҳифаларида бу воқеалар ҳар куни тўла ва янги маълумотлар билан берилаяпти.

Шу икки газетадаги илм-фан, маънавият, халқаро ҳаёт мавзуларидаги мақолалар ва ахборотларни ҳам доимо қизиқиш билан ўқиб бораяпмиз. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» бошқа газеталардан фарқ қилиб, ҳар куни чиқади. Бу нашрларнинг халқимизни ахборот билан қуроллантириш имкониятлари катта. Шу сабабларга кўра, биз бу газеталарга ҳар йили обуна бўлишни канда қилмаймиз. Бу йил ҳам бирлашмамиз энг биринчилардан бўлиб уларга обунани расмийлаштирди.

Фақат бир истағимиз шулки, ушбу газеталар янги йилда ҳам қўлма-қўл ўқиладиган бўлсин. Ўқувчилар унинг ҳар бир сонини: «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бугунги сонини ўқидингларми? Унда зўр нарса чиқибди!» деган бир ҳаяжон билан қўлга олсин. Газета ижодкорларига шу йўлда катта ютуқлар тилаймиз.

**Маҳмуд МИРЗАЕВ,**
**Шредер номидаги мевачилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.**

**«Халқ сўзи» – 229,**
**«Народное слово» – 116.**

## ПОЛВОНЛАР ГИЛАМГА ЧИҚДИ

22 октябр куни Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича иккинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди.

Дунёнинг ўттиздан кўпроқ мамлакатидан келган полвон ва вакиллар мусобақага ҳақиқий спорт байрами тусини берди. Термиздаги "Алпомиш" стадионига йиғилган ўн мингдан зиёд томошабин полвонларни қарсаклар билан кутиб олди.

Стадион узра бахши созларининг оҳанглари мавж урди. Турнирни вилоят ҳокими Ж.Норалиев очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов маросимда сўзга чиқиб, миллий курашнинг обрўйи тобора ортиб, жуда қисқа муддатда бутун жаҳонда тан олинишида анъанавий Президент кубоги мусобақаларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлади.

Мусобақа байроғини кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев кўтарди. Стадион узра Давлат мадҳияси янгради. Полвонларга гуллар тақдим этилди. Шундан сўнг мусобақа бош ҳаками — боливиялик Мигель Клауре турнир бошланганини эълон қилди. Қуръа ташлаш натижаларига кўра дастлабки мусобақа биринчи жаҳон чемпиони Т.Муҳаммадиев билан дзюдо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Ботир Ҳасанов ўртасида кечди. Чемпион ўзининг маҳоратини яна бир бор намойиш этди.

Мухлисларни япониялик басавлат курашчи Хироши Камимото билан туркманистонлик Чори Баратовнинг кураши ғоят ҳаяжонлантирди. Чунки япониялик полвон ўз рақибидан нақ эллик кило оғир эди. Чори полвон қаттиқ ҳаракат қилган бўлса ҳам, куч қаршисида ожиз қолди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўзбекистонлик полвонларнинг умиди бўлиб турган Тоштемир Муҳаммадиев ҳам япон полвони билан курашда бироз шошиб қолди. Ваҳоланки, у иккинчи даврада полвон Али Қўчқоровни бир дақиқага қолдирмасдан гиламга босган эди. Бироқ бир юз қирқ кило тош босадиган Х.Камимотони кўтариб отиши анча қийин кечди.

Жаҳон чемпиони финалда польшалик полвон Павел Малаванец билан гиламга тушди ва мухлислар ишончини яна бир бор оқлади. Учинчи ўрин учун кураш эса қозоғистонлик 19 ёшли полвон Достон Пиримқулов билан япониялик Хироши Камимото ўртасида кечди. Баҳайбат рақибининг қаршисида кичкина боладек турган Достон қувват фақат билакда эмас, маҳоратда ҳам эканини исботлади. Япониялик полвон эса тўртинчи ўрин билан қаноатланди.

**Мусулмон НОМОЗОВ,**
**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ШОЛИ ҲОСИЛИ ЧЎНГ ХИРМОН БЎЛДИ-ЕЙ...

*Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида шоличилик алоҳида ўрин тутади. Мутахассисларнинг фикрича, бу йил миришкорларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли мавжуд шоли пайкалларида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда уни йиғиштириб олиш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.*





Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги «Шоликор» деҳқон-фермерлар бирлашмаси шоликорлари эса бу борадаги давлат буюртмасини ошириб бажардилар. Хирмонга 4 минг тонна шоли етказиб берилди. Ерга уруғ ўз вақтида қадалгани, серҳосил нав танлангани, парваришда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилингани, қолаверса, иш пудрат усулида ташкил этилгани, ўрим-йиғим мавсумида техникадан унумли фойдаланилгани, механизаторлар ва ишчиларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилгани ютуқлар омили бўлди. Хусусан, Мухтор Отамирзаев, Турғунбой Қўзибоев, Виллорий Ким, Қуролбой Бойтоев сингари оилавий пудратчилар гектар ҳисобига 70 центнердан хирмон кўтардилар. Улуғбек Дадабоев, Наби Холбоев, Абдураҳмон Жумасаидов каби комбайнчилар эса кунига 4-5 гектар ердаги ҳосилни ўриб-янчишга эришдилар.

Далаларда ҳали ҳосил кўп. Ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Бирлашма бошқаруви раиси Тўйчи Мирзаевнинг таъкидлашича, ялпи хирмон миқдори 6157 тоннага етказилади.

Шу вилоятдаги Шароф Рашидов туманига қарашли М. Узоқов номли деҳқон хўжаликлари бирлашмасида ҳам шоли ўрими жадал олиб борилмоқда. Меҳнат аҳли 3450 тонна ҳосил саранжомлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

**И. ҲОТАМОВ.**



*СУРАТЛАРДА: «Шоликор» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида ўрим пайти; ўриб-янчилган ҳосил хирмонга ташилмоқда; М.Узоқов номли бирлашма бошқаруви раиси Исматулла Холбўтаев, звено бошлиғи Ҳосилбек Қўшмуродов ва комбайнчи Рустам Ўролов шоли чўғини чамалаб кўрмоқдалар.*

**Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

### 24 октябр — БМТ ташкил топган кун

## ЖАҲОНДА НУФУЗЛИ ТАШКИЛОТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги энг йирик ва нуфузли ташкилотдир. У фаолият кўрсата бошлаган 1945 йилда аъзо давлатлар сони 51 тани ташкил этган булса, бугунга келиб уларнинг сони 185 тага етди. Кўриниб турибдики, орадан ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида БМТ деярли ер юзидаги барча мамлакатларни қамраб олди. Ҳозир дунёнинг барча минтақаларида унинг вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

БМТ ер шаридаги барча инсонларнинг ирқи, миллати, диний мансублигидан қатъий назар, барчасига баббаробар инсонпарварлик тамойиллари асосида муносабатда бўлмоқда.Барча миллат ва элат халқларининг тинчлиги, фаровон турмуши, саломатлиги, тотувлиги йўлида жуда катта хайрли ишларни амалга оширмоқда. Она заминимизнинг қайси бурчагида бўлмасин, қонли тўқнашувларга барҳам бериш, зиддиятларнинг олдини олиш, қашшоқлик ва очарчиликни тугатиш, хавфли касалликларга қарши курашиш каби инсониятни ташвишга солаётган муаммоларни бартараф этишнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқаётир.

Муҳими, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятига хавф солаётган гиёҳвандлик, жиноятчилик ва террорчилик ҳаракатларига қарши кескин кураш олиб бормоқда. Буни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистон бўйича резолюция қабул қилганлиги мисолида яққол кўриш мумкин. Унда «Толибон» ҳаракати олдига бир неча мамлакатларда қўпорувчилик актларини содир қилган ва оқибатда минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритган халқаро террорчи Ўсама бин Лоденни суд ҳукмига топшириш тўғрисида қатъий шартлар қўйилган. Хавфсизлик Кенгашининг бу резолюцияси террорчилик ҳаракатига қарши кескин зарба бўлиб тушиши табиий. БМТ нинг бундай хатти-ҳаракати ва қатъияти жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларидаёқ дунё миқёсидаги энг нуфузли бу ташкилот билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. 1992 йил Ўзбекистон тарихида муҳим сана бўлиб қолди. Мустақил юртимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Орадан бир йил ўтиб эса, Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки дунёда тинчликни сақлаш, оммавий қирғин қуролларини таъқиқлаш, давлатлар ўртасида дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда. Жумладан, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида мазкур масалалар юзасидан билдирган таклиф ва мулоҳазалари жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин маъқуллаб кутиб олинди.

— Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг фаол аъзоларидан бири, — дейди биз билан суҳбатда БМТнинг республикамиздаги доимий вакили Павел Крал.— Биз қисқа вақт ичида ўзаро ҳамкорлик борасида жуда кўп ишларни амалга оширдик ва бу борада ҳали кенг кўламли вазифалар олдимизда турибди.

Кейинги пайтда гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш бўйича махсус гуруҳ туздик. Ҳозир у самарали фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, БМТ ташаббуси билан республика ёшлари ўртасида теннис мусобақаси ташкил этилди. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида маҳаллий ва ҳукумат идоралари билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор қаратяпмиз.

Айни пайтда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қошида саккизта агентлик фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммаси узоқ муддатга мўлжалланган дастурларга эга. Масалан, ЮНЕСКО Ўзбекистонда таълим, фан, маданият соҳалари бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда бир неча олий ўқув юртларида унинг кафедралари мавжуд. Улар миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий обидалар, маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш борасида алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, юртимиздаги қадимий шаҳарлар — Бухоро ва Хива ЮНЕСКОнинг «Жаҳон дурдоналари» рўйхатига киритилди.

Юқорида қайд этилган агентликлардан яна бири ЮНИСЕФ эса, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш борасида кўплаб хайрли ишларнинг ташаббускори бўлмоқда. Марказий Осиё халқлари, асосан аёлларда кўп учрайдиган камқонлик, болалардаги полиомиелит касалликларига мана шу агентлик томонидан олиб борилаётган ишлар туфайли барҳам берилмоқда. Оммавий эмлаш ўтказилгани боис сўнгги беш йилда болалар ўртасида бу касаллик умуман учрагани йўқ.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топгани муносабати билан унинг республикамиздаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида бу яна бир карра қайд этилди. Ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш зарурати, бунинг учун Ўзбекистонда барча имкониятлар мавжудлиги БМТ ваколатхонаси ходимлари томонидан қониқиш билан таъкидланди.

**Абдуҳошим МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Нима? Қачон? Қаерда?**

### РАСМИЙ ТАШРИФ

Австрия ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Бенита Ферраро Вальднер амалий ташриф билан Молдовага келди. У Молдова президенти Петр Лучински ва бошқа расмий кишилар билан учрашади. Учрашувларда икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

### ХАВФЛИ ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Россия чегарачилари Тожикистон-Афғонистон чегарасида "Ниссан" русумли автомобиль эгасидан 41 килограмм наркотик моддаси, жумладан, 20 килограмм героинни ҳамда иккита "Макаров" русумли тўппончани ўқ жамламаси билан тортиб олди. Айни пайтда, деб ёзади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири, Тожикистон фуқароси бўлган автомобиль ҳайдовчиси устидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида "Марказий Осиёда наркотик моддалар назорати муаммоси" деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман иш бошлади. Унда АҚШ, Ўзбекистон, Австрия, Россия, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан мутахассислар қатнашмоқда. Анжуманда наркотик моддалар савдосининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

### ТАБИИЙ ОФАТ

Ҳиндистоннинг Орисса вилоятида юз берган довул оқибатида саксон беш киши ҳалок бўлди. Бундан ташқари, мамлакатнинг Андхра-Прадеш вилоятида ҳам уч киши қурбон бўлди. Довул бу вилоятда ҳаракат қилмаган бўлса-да, аҳоли жала ва кучли шамолдан талафот кўрган. Табиий офат юз берган ҳудудларда озиқ-овқат ва ёқилғи етишмаяпти. Жойларда юқумли касалликлар пайдо бўлиш хавфи бор, шу боис шифокорлар юборилмоқда.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Ҳарбий маъмурият қарорига мувофиқ Покистондаги барча ҳукумат муассасалари ўз ишини давом эттирадиган бўлди.**

* * *

**"Толибон" ҳаракати Афғонистонда яшириниб юрган халқаро террорчи Ўсама бин Лоденни АҚШга топширишдан бош тортмоқда.**

* * *

**Саудия Арабистони ва Мексика нефть вазирлари Амстердамда учрашув ўтказиб, нефть бозорида юзага келган вазиятни муҳокама қилдилар.**

* * *

**Эрон ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатдаги жиноий гуруҳлар томонидан ўғирлаб кетилган уч нафар португалиялик озод этилди.**

* * *

**Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги қўшинлар сўнгги кунларда муваффақиятли ҳужумлар уюштириб, қатор ҳудудларни толиблардан қайтариб олди.**

* * *

**БМТ Хавфсизлик Кенгаши террорчиликка қарши курашни умумдунёвий миқёсга чиқариш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди.**

* * *

**Дания ва Нидерландия Европа Иттифоқи доирасида кўп миллатли доимий полиция хизматини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди.**



*Бугунги Хитой.*

* * *

**Грузия ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати пойтахт яқинида жиноий гуруҳнинг олти аъзосини ҳибсга олди.**

* * *

**Германия полициясининг ўтган куни Истанбулдан ўғирлаб кетилган самолётни озод қилиш борасида ўтказган операцияси муваффақиятли якунланди.**

* * *

**Украинада "Украина-99" халқаро сайёҳлик кўргазмаси бошланди. Унда 27 мамлакатдан 200 дан ортиқ сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда.**

* * *

**Италияда Шарқий Африка муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.**

* * *

**Европа комиссияси 2001 йилни "Европа тиллари йили" деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди.**

* * *

**Краснодар шаҳрида транспорт милицияси Сочига таътилга кетаётган ҳарбий хизматчини ҳибсга олди. Унинг ёнидан катта миқдордаги портловчи модда топилган.**

* * *

**Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминнинг Европа, Яқин Шарқ ҳамда Шимолий Африка мамлакатларига сафари бошланди.**

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

EXPO Italia 99

**1999 йил 21-25 октябр**

## «ЭКСПО ИТАЛИЯ — 99» кўргазмаси

**120 дан зиёд Италия фирмалари илк бор Ўзбекистонда намойиш этадилар:**

- **Технология ва ускуналар:**
  - *-тўқимачилик саноати;*
  - *-кийим тикиш;*
  - *-тош,мармар, гранитга ишлов бериш;*
  - *-агросаноат сектори;*
  - *-озиқ-овқат саноати;*
  - *-ўраш ва қадоқлаш;*
  - *-хизмат кўрсатиш соҳалари учун.*
- **Қурилиш ва бошқа тармоқлар учун резина, ПВХ, алюминийдан тайёрланган маҳсулотлар.**
- **Уй-рўзғор буюмлари:**
  - *-мебель;*
  - *-тайёр кийимлар;*
  - *-сопол буюмлар;*
  - *-ошхона анжомлари;*
  - *-тилладан ясалган буюмлар.*

**Ташкилотчилар: «Интерэкспо» компанияси ЎзР ТИАВ ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида.**

*Кўргазмага хуш келибсиз!*

*Манзилимиз: Тошкент ш., Амир Темур кўч., 107 «Ўзэкспомарказ» РСКМ, 1-павильон.*

*Иш вақти:*
*1999 й. 21.10. 11.00. дан 18.00.гача*
*1999 й. 25.10. 10.00. дан 18.00.гача*

Ш@2203

Иқрор

# МУҲИМИ — ФАОЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

— Яқинда қишлоқда бўлиб қайтдим, — деб қолди ҳамкасбларимдан бири, — меҳнат авжида. Айни дамлар йил бўйи тўкилган пешона тери эвазига яратилган ҳосилни саранжомлаб олиш фасли эмасми, деҳқон «даладагиси — насия, омбордагиси — нақд» деган ақида билан яшаяпти. Ана шундай меҳнат шижоати таъсирида бир нарсани ўзгача ҳис қилдим: негадир бу сафар кўкка бўй чўзаётган пахта хирмонлари кўнглимга янада яқин, янада ҳароратли эди. Унинг ҳар бир урвоғига ўзимнинг, бола-чақамнинг ризқнасибаси қоришиб кетгандек туюлди. Оппоқ толалар шунчаки машиналарга юкланиб, заводга жўнатиладиган хомашё эмас, балки эртанги фаровон турмуш манбаи, рўзғор файзи, тўй-тантаналарнинг замини экани кўнглимда ажиб бир тарзда акс этди. Пахтазорда ҳам, пунктда ҳам ҳеч нарса бегона эмас, шу дала, шу замин ўзимники, ўз ватаним — ўлан-тўшагим эканлигини илк бор ҳис этдим. Билмадим, соғинган эканманми, ё истиқлолимиз туфайли ғururим уйғонгани ростми, шу юртнинг ташвиши-ю, қувончи билан қоришиб кетгандек бўлдим.

Рости, бундай эътирофларни кўпчиликдан эшитиш мумкин. Мустақил юрт ташвишлари одамларимизни янада яқинроқ қилди, менинг танишим қайд этганидек, ғururини уйғотди. Энди шаҳарларнинг жамол очаётганидан ўз хонадонимизга файз киргандек хурсанд бўламиз, бирор ҳамюртимизнинг ютуғини фарзандимиз эришган қувонч сифатида қабул қиламиз. Юрт корига яраб, истиқлол йўлида фидойилик кўрсатишни бурчимиз деб биламиз. Ишонинг, булар ялтироқ гаплар эмас, балки қалбида миллат шарафи яшаётган, ўзининг кимлигини англаб етган ҳар бир фуқаро кўнглида кечаётган уйғоқ туйғулардир. Ана шундай кайфият бугун ҳар қадамда хайрли ишларга мададкор бўлмоқда.

Қолаверса, жамиятни ислоҳ қилиш, янгича тафаккурни қарор топтириш, бозор иқтисодиётига ўта бориб, халқ хўжалигини бошқаришда туб ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни халқимиз фаол қўллаб-қувватлаяпти, ўз иродасининг намойиши сифатида қабул қиляпти.

Мустақилликнинг 8 йиллиги байрами арафасида республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази аҳоли турли табақалари ўртасида сўров ўтказган. Натижаларнинг аниқлиги ва холислигини таъминлаш учун ўрганилаётган минтақалар аҳолисининг ижтимоий-демографик тузилиши тўла қамраб олинган, илмий асосланган сараламаси бўлишига эришилган. Сўралганларнинг миллий таркиби, ёши ва жинси, таълим даражаси, бандлик тури аҳоли умумий массасининг табиатини тўла ифодалайди. Тадбир Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 1069 киши ўртасида ўтказилиб, унинг якунлари юртдошларимиз ҳозирги ривожланиш йўлини маъқуллаётганини тўла тасдиқлайди.

Жумладан, «Мустақилликнинг 8 йили давомида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришилган ютуқларни Сиз қандай баҳолайсиз?», деган асосий саволга респондентларнинг мутлақ кўпчилиги — 83,5 фоизи «яхши» (67,4 фоиз) ва «сезиларли ютуқларга эришилди» (16,1 фоиз) тарзида ижобий жавоб берганлар. Ҳақиқатан, ўтган йилларга хаёлан разм соладиган бўлсак, ўлкамиз нуқул хомашё тайёрлайдиган ва «марказ»нинг ҳадясига кўз тикиб турган истеъмолчидан ўз машинасозлик саноатига эга, ғалла ва ёнилғи мустақиллигига эришган йирик индустриал мамлакатга айланиб боряптики, бу нисбатан қисқа муддатда эришилган улкан муваффақиятдир. Бундай ўзгаришлар одамларимиз турмуш тарзида ҳам акс этмоқда. Айниқса, мулкнинг ўз эгаларига топширилгани, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилгани кўплаб имкониятларнинг юзага чиқишини таъминлади. Эришилган ютуқлардан кўз юмиш мумкин эмас.

Маълумки, юртимиз Истиқлолга дунёдаги энг илғор тажрибаларга суянган ҳолда, бироқ бирон мамлакатга ўхшамаган ўз йўли билан қадам қўйди. Эндиликда «Ўзбек модели» деб эътироф этилаётган бу усулнинг ўтиш давридаги моҳияти Президентимиз томонидан олға сурилган беш тамойилда акс этган эди. Бу беш тамойилнинг бири — ижтимоий муҳофаза бўлиб, у кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва жамиятнинг бошқа ёрдамга муҳтож қатламини давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Айтиш мумкинки, жаҳон тажрибасида кам учрайдиган мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича нодир тажриба тўпланди, бу бойлик ҳам юртимиз тараққиёт йўлининг ўзига хос қадрияти бўлиб қолади. «Ижтимоий фикр» маркази ўтказган сўровда давлатимизнинг ижтимоий муҳофаза сиёсати юқори даражада баҳоланган. Сўралганларнинг асосий кўпчилиги (82,6 фоизи), жумладан, уларнинг 37 фоизи ушбу сиёсатни «юқори» ҳамда 8,7 фоизи эса «жуда ҳам юқори даражада», деб таъкидлашган. Респондентларнинг кўпчилик қисми (73,2 фоиз) ўз оилаларида моддий фаровонлик яхшиланиб бораётганлигини, жумладан, 12,9 фоизи «сезиларли даражада яхшиланиб бораётганлигини» эътироф этишади. Мабодо, жамият табиатини ўрганган олимларнинг жамоатчилик фикрини кишиларнинг жамоавий манфаатлари ифодаси, халқ оммасининг бевосита яратувчан фаолияти жараёнларининг намоён бўлиши сифатида баҳолаганларини ҳисобга олсак, сўров натижалари юртдошларимизнинг ўз тақдирларига билдирган холис муносабатларидир.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, «Мустақилликнинг 8 йили мобайнида жамиятимизда эришилган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик энг бебаҳо ютуғимиздир, деган фикрга қўшиласизми?», деган саволга берилган жавоб халқимиз юрагидаги гапни тўлиқ ифодалаган (сўралганларнинг 97,4 фоизи «Ҳа, қўшиламан» деб жавоб берган). Нафсиламбирини айтганда, мустақилликнинг дастлабки йилларида тараққиёт учун барча омиллар таъминланган — аниқ, қатъий режага эга раҳбарлик ва иккинчи ёқдан юксак ижтимоий, табиий салоҳият мавжуд эди. Шундай шароитда очилмаган имкониятларнинг юзага чиқиши учун Тинчлик, Барқарорлик асосий шарт эканлиги тўғри англанди, шунга ҳаракат қилинди ва эришилди. Бугун ана шу ҳаётий сиёсат самарасини ҳамма юракдан тан оляпти.

Қайд этилган ютуқлар ислоҳотларнинг боришига карвонбошилик қилган ва шу ўзгаришларни амалга оширган икки тарафнинг ҳамжиҳатлиги, тўғри қўйилган мақсад ва унга эришишнинг мақбул йўллари топилгани эвазига қўлга киритилди.

Айни пайтда юртимизда жиддий сиёсий тадбирлар жараёни кечмоқда. Шубҳасиз, республика Президенти ва Олий Мажлис депутатлари сайлови келгуси давр учун муҳим аҳамият касб этади. Сайловлар жараёни ўлкамизда қарор топган умумий кайфиятга мос босиқлик, ҳамжиҳатлик, демократия талаблари асосида ўтиши учун барча ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий асослар мавжуд. Айниқса, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатишда ташаббускор гуруҳларга қонун доирасида кенг имконият берилгани, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази тузилгани сайловда демократиянинг тўла амал қилишини таъминлайди...

**Ҳаким САТТОРОВ.**

# "XX ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА БЎЛИШИГА ИШОНАМАН"

Тошкент аэропортида Халқаро бокс уюшмасининг президенти Анвар Чаудри журналистларга интервью берди.

– 1995 йилда бозор муносабатига ўтишдек қийин даврни бошдан кечираётган мустақил Ўзбекистон биринчи марта XYI Осиё чемпионатини ўтказди, унинг иштирокчилари мусобақалар юксак даражада ташкил этилганини ҳамон эслашади, – деди Анвар Чаудри. – Ҳозир эса Ўзбекистон теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақа, Мустақиллик кубоги учун кураш бўйича халқаро турнир каби нуфузли халқаро учрашувларни ўтказишда катта тажриба орттирди. Хуллас, Халқаро бокс уюшмаси XX чемпионатни ўтказиш учун Тошкентни танлаб, хато қилмади.

Бундан ташқари, XX Осиё чемпионати 19 мамлакатнинг 210 спортчисига меҳмондўст халқингиз билан яқиндан танишиш, дам олиш пайтларида гўзал Тошкентни томоша қилиш, унинг музейлари ва театрларини бориб кўриш имкониятини ҳадя қилади.

Бокс бўйича XX Осиё чемпионати мухлисларга унутилмас учрашувларни совға қилишига аминман, чунки унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Филиппин, Таиланд ва Индонезия каби давлатларнинг энг кучли боксчилари иштирок этади.

**(ЎзА)**



*Юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ворислар бўлиб етишишлари учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Куни кеча Қарши шаҳрида иш бошлаган 750 ўринли касб-ҳунар коллежи эндиликда қурилиш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайди. Коллежда ўқув хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. У ерда ёшларнинг ЭҲМ оператори, ҳисобчи, кран ҳайдовчиси, пайвандчи, безакчилик касбларини эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган.*

**СУРАТДА: ўқитувчи Наврўз Анваров I курс талабалари билан машғулот ўтказмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Бу ажиб дунё

# 220 ГРАММЛИ ТУХУМ

Қуддус шаҳри яқинида яшовчи фуқаро товуғининг бу сафарги тухум қўйиши ҳам, албатта, одатий жараёнлардан бири эди. Лекин у не кўз билан кўрсинки, товуғи ўзи билмаган ҳолда дунё рекордини ўрнатиб қўйибди. Яъни тухумнинг оғирлиги 220 граммни ташкил этди. Одатда товуқ тухуми 50-70 грамм чиқади.

Аввалги рекорд «атиги» 181 граммлик тош босган эди.



# ТЕГИРМОНЧИНИНГ ОРЗУСИ

Нидерландиянинг Арнем шаҳри яқинидаги қишлоқда яшовчи тегирмончи Якоб Ван Гроотни ҳамқишлоқлари фахрланиб полвон, дейишади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки тегирмончи бир йўла беш қоп ёки 350 кило буғдой унини кўтара олади. Унинг орзуси 550 килограмм юк кўтаришдир. Бу тегирмон ҳовлисидаги тегирмон тошининг оғирлигидир.

Халқаро спорт мусобақаларида қатнашмайсизми, деган таклифларга у ҳазил билан «мағлубият аламига чидай олмайман», дейди.



# САМОЛАРНИ ҚУЧАР ЮРТИМ ЛОЧИНИ

**Мардлар қўриқлайди Ватанни**



Инсон лаёқати нима қилаётгани билан эмас, балки кўпроқ бу ишни қандай бажараётгани билан характерланади. Шахс камолоти ҳам аслида ана шунга боғлиқ. Дейлик, офицер ҳарбий қисмга бориб, кун тартибида, Низомда кўрсатилган одатий вазифаларни уддалаб юравериши мумкин. Аммо юқорида таъкидланганидек, ҳамма гап унинг вазифаларни қандай бажаришида.

Мустақиллигимиз меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг илк битирувчиси Алишер Носиров 1997 йилда учувчилар бўлинмасига келди. Ўзи орзу қилган соҳани эгаллаган офицер йигитда куч-ғайрат, шижоат гўё қайнаб, тошарди...

Равшан ака тахминан 3-4 ёшлардаги ўғилчаси Алишерни ўзи ишлаётган авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига олиб борди. Шундан бошлаб Алишерни болаларча ҳайрат, ҳавас таъқиб эта бошлади. Ҳатто у уйқуга кетганида ҳам қучоғида ўйинчоқ самолёт бўларди. Балким ана шу пайтларда қалбига учувчи бўлиш орзуси ўрнашгандир. Буни қарангки, Алишер қатнайдиган боғча аэропортга яқин бўлгани учун у учаётган, қўнаётган самолётларни ўзича ана «ЯК-40», «ИЛ-76» дея кўрсатиб, тарбиячиларини ҳайратлантирарди. Бир сўз билан айтганда, Алишернинг орзу баҳори болаликда гуллаган эди.

Лейтенант Алишер Носиров учувчилар бўлинмасида хизмат қилар экан, интилиши, изланиши, билими билан нафақат тенгдошларининг, балки анча вақтдан бери хизмат қилаётган офицерларнинг ҳам ҳавасини келтирарди. Ҳатто тез орада белгиланган синовлардан аъло даражада ўтиб, мустақил парвоз қилиш учун рухсатномани қўлга киритди.

Алишер нигоҳини самога тикиб, узоқ вақт лочиннинг парвозини кузатди. Лочин бир текисда сузиб бораётгандек эди. Туйқусдан шиддат билан пастга шўнғиди. Қанчалар тез шўнғиган бўлса, шунчалар тез самога кўтарилди. Лочин — само фарзанди. «Биз ҳам лочиндек парвоз қилишимиз керак», беихтиёр Алишернинг лаблари пичирлади. Ўй-хаёллари эса аллақачон осмон фарзанди билан кимўзарга парвоз айлаётган эди.

Мактаб йилларида Алишер Тошкентда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг учувчиликка ихтисослашган курсларига мунтазам қатнади. Шу ерда турли хил самолёт моделлари билан яқиндан танишди. Ҳатто илк бор парашютдан сакрашни ҳам ана шу ерда амалга оширди.

— Мақтанишга йўймангу, фарзандларимда математикага қизиқиш жудаям кучли. Алишердан бемалол кучли математик чиқиши мумкин эди. Мактабни тугатаётганида: «Ҳарбий соҳанинг масъулияти, машаққати бор. Яхшилаб ўйлаб кўр», — деганимда, у менга: «Дада, эр киши Ватаннинг, элюртнинг қалқони бўлиши керак. Мен асл эрларнинг касбини танлаяпман», — деганди. Ўшанда унинг бир сўзли, халқига муносиб ўғлон бўлиб вояга етганини кўриб, қалбим ғururга тўлган.

Мен бу сўзларни Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйи кунларида Алишерга республика «Камолот» жамғармасининг мукофоти топширилаётган бир пайтда отаси Равшан акадан ёзиб олганман. Ҳарбий ватанпарварлик соҳасида эришган катта ютуқлари учун фарзандига бундай мукофот берилаётганидан шодланиб, ҳаяжонланиб сўзлаганди ота.

Лейтенант Алишер Носиров ҳар бир жанговар вазифани бажаришга киришишдан олдин елкадош дўстлари, лейтенантлар — Саид Собитов, Марат Карабеков, Игор Бедункевичлар билан маслаҳатлашади. Яъни, дилкаш, самимий бу йигит дўстликнинг қадрига етадиганлардан. Қаҳрамонимиз баскетбол ўйнашни ёқтиради. Шу боис ҳарбий учувчиларнинг баскетбол жамоаси уни моҳир спортчи сифатида тан олишади.

Алишернинг ўзи эса шундай фикрда:

— Ўзбекистоннинг бугунги ёш офицерлари замонавий ҳарбий илмларни ва жанговар техника сир-асрорларини пухта ўзлаштириши керак. Яъни малакали, етук ҳарбий мутахассислар бўлмоғимиз лозим. Чунки Ватанимизнинг истиқболи, буюк келажагининг ҳимоячилари бизлармиз. Бу ишончни оқлаш ўз-ўзидан бўлмайди, ахир. Менга яқинда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси таъсис этган мукофот топширилди. Шундайин рағбатга, мукофотга муносиб топилдимми, демак, жанговар маҳоратимни янада оширишим, Қуроли Кучларимиз нуфузини кўтаришга улушимни қўшишим лозим.

Халқимнинг бағридек кенг, қалбидек мусаффо осмонга қараб ўй сураман: ҳаво сарҳадларимизда қанотлари қайрилмас, нигоҳлари ўткир, шиддати мардона само ўғлонлари парвоз этар экан, юртимиз тинч бўлиб, одамларимиз осойишта яшашади.

**Алижон САФАРОВ,**
**катта лейтенант.**
**Ярослав КОРУКА олган сурат.**

## Янги шеърлар

### ВАТАН МЕҲРИ

*Тупроғимни тортиб зулмлар келди,*
*Мен айтдим уларга: «Қонга ётсизлар!»*
*Жанда, жиҳодларга ўралиб келди.*
*Тупроғини сотди эътиқодсизлар.*

*Онадек жим туриб йиғлади Ватан,*
*Тўмарис артолмас кўздан ёшини.*
*Барча эътиқодни бир-бир силкидим,*
*Сўнг қиличга тутиб бердим бошимни.*

*Эрк келиб: «Бошингни кўтаргил», деди.*
*Сўнг ўзи ўқиди ҳукмларни ҳам.*
*Тарихдек ёдимда асраб қолдим мен,*
*Ватандек кечирдим зулмларни ҳам.*

*Мен сендек яшашни истадим Ватан!*
*Сендек улканлашиб бормоқда дардим.*
*Сенинг байроғингнинг ёнига бугун.*
*Юрагимни байроқ қилиб кўтардим.*
*Ватан!*

### ПОКЛАНИШ

*Ҳурлигу хўрлик надир?*
*Эрксиз ҳар онингни юв.*
*Эрк аталмиш чашмада*
*Чашми гирёнингни юв.*

*Бошдин-оёқ тоза бўл,*
*Гадою хонингни юв.*
*Ўн саккиз минг оламинг,*
*Қибланг, тўрт ёнингни юв.*



*Япроқларда титраган,*
*Шабнамда тонгингни юв.*
*Кўзларингни очмай уйғон,*
*Оппоқ иймонингни юв.*

*Сувларни юв сув билан,*
*Жисмимни жонимда юв.*
*Шунда ҳам уйғонмасам,*
*Руҳимни қонимда юв.*

### ДАЪВАТ

*Аҳли одамият! Ватандек қалқинг!*
*Ва жонни берингиз унинг ёдига.*
*Ватаннинг олдида тизлар чўкингиз.*
*Қаддингизни ростланг Ватан олдида.*

*Бу шундай жонларга берилмас макон.*
*Унингдек азиз йўқ инсон зотига.*
*Агар тупроқларга қоришсангиз ҳам.*
*Ўзингизни тикланг ҳурлик олдида.*

*Эй фарзанд! Миллатнинг жон томирисиз.*
*Эътиқодни сотманг гуллар тотига.*
*Ўзбек байроғини тиз чўкиб ўпинг,*
*Байроқни кўтаринг миллат олдида!*

*Тоғлардек юксалинг, Ватан чорласа.*
*Боболар ўтдилар ЭРК деб ғамдийда.*
*Бағрингизга босинг Ватан сўзини.*
*Оёққа қалқингиз Ватан олдида!*

**Гулжамол АСҚАРОВА.**


## АКСЕЛС
## АҚШда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш дастури - 2000

ЮСИА - АҚШ ахборот хизмати ва Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) илмий-тадқиқот дастурини эълон қилади. Дастур МДҲ давлатлари аспирантларига АҚШ университет ва институтларида илмий даража олмай илмий тадқиқот ўтказиш имкониятини беради. Дастур қатнашчилари тўрт ёки олти ой давомида АҚШда қуйидаги соҳалар бўйича тадқиқот ўтказиш имкониятига эга: **АҚШ мамлакатшунослиги, бизнесни бошқариш (жумладан, бизнес ва менежмент таълими бўйича ихтисослашиш), шаҳарга доир режалаштириш, халқ таълими, халқаро можароларни ҳал қилиш, криминалистика, иқтисод (жумладан, халқаро савдо, молия ва инвестициялар), таълим (жумладан, университетларни бошқариш), этика ва фалсафа, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, тарих, саноатда меҳнат муносабатлари, информацион технологиялар (интернет ва янги информацион технологияларни олий таълимотда қўллаш), журналистика, ҳуқуқ, кутубхона фанлари, менежмент ва маркетинг, сиёсий фанлар, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий ишлар, социология, хотин-қизлар масалалари.**

**Дастурда**
- *Ўзбекистон фуқароси бўлган;*
- *АҚШ институтларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмаган ва илмий фаолиятларининг бошланғич босқичидаги аспирант ва илмий ходимлар;*
- *ариза бериш пайтида (яъни, 1999 йил 15 ноябрга қадар) ёши 25 дан 55 гача бўлган;*
- *ариза бериш пайтида фан номзоди ёки ундан юқорироқ илмий даражага эга ёки номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган;*
- *24 ихтисосдан бири бўйича АҚШ институтларида илмий-тадқиқот олиб бориши зарур бўлган;*
- *ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда мустақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш қобилиятига эга;*
- *танланган ихтисос бўйича нашри бор (аспирантлар учун курс иши бўлиши мумкин);*
- *илмий-тадқиқот ишини 2000 йил августи ёки 2001 йил февралида бошлашга тайёр бўлган;*
- *АҚШда ўқиш учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мумкин.*

Илмий-тадқиқот дастурида қатнашчилар ирқи, ранги, жинси, этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлиги белгиларига кўра фарқланилмайди.
Тўлдирилган анкеталар барча лозим ҳужжатлар билан бирга 1999 йил 15 декабрга қадар қуйидаги офислардан бирига топширилиши шарт.

Қўшимча ахборотни қуйида кўрсатилган маслаҳат маркази ва офисларда олиш мумкин: **Тошкент** (371) 152 21 81(86), **Самарқанд** (3662) 35 02 74, **Нукус** (361) 222 89 57, **Наманган** (36922) 6 27 50, **Бухоро** Ахборот ва маданият маркази, (365) 224 22 46.
**E-mail**: accels@actr.bcc.com.uz

2218-с


# АСР ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

**Луқма**

Латифани эшитгандирсиз. Афанди минорани харид қилиб, қишлоғига олиб бормоқчи экан. Шу ниятда қирқта эшакни бошлаб, минора остига келибди. Лекин бир чигаллик чиқибди. Эшак устида туриб санаса, эшаклар — 39 та. Пастга тушиб санаса, 40 та...

Сўнгги пайтда радио тинглаб, телевизор кўриб, баъзан газета-журналларни варақлаб, шу латифани эслаяпман. Гап шундаки, айрим биродарларимиз, опа-сингилларимиз ҳамма ёқда «икки-уч ойдан сўнг XXI аср бошланади» деб баралла айтиб-ёзишяпти! Сўзим қуруқ бўлмасин, ана «Саида» журналининг янги сони биринчи саҳифасида ҳам шундай деб ёзилган. Хўп. Бу аср тугаб, кейинги аср қачон бошланади?! Ҳисоб фани бўйича бор билимингизни ишлатиб, ўйланг. Чўпон 100 та қўйни 20 тадан 5 та тўдага ажратса, биринчи тўпдаги 20-қўй қайси томонга ўтади?! Очиғи, XXI аср 2000 йилда эмас, 2001 йил 1 январдан бошланишини ўзимча тўқиётганим йўқ. Жаҳон матбуотида бу ҳақда кўпдан буён ёзиб келишади. Албатта, жаҳон матбуотини ҳамма ҳам ўқийвермайди. Ўз матбуотимизни ўқишса, катта гап! Мен хатога йўл қўйган дўстларимизни айблаш, койиб қўйиш хаёлидан ҳам узоқман. Аммо биринчидан, айтилган сўз — элда тарқалади. Ёзилган сўз — тарихда қолади. Иккинчидан, нотўғри гап расмий бир ҳужжатларга кириб — муҳрланса борми, бир куни барчамиз уялиб қолишимиз мумкин.

Ҳар қандай хато ўз вақтида тузатилгани дуруст...

**Омон МУХТОР.**

Республика Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, институт директори, профессор

**Карим ЙЎЛДОШЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.







«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — А. АБДУБАННОПОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 23.30*
1 2 3 4 5 6